O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV №

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2005-yil • 12-iyul • Seshanba • 84 (27.419) • uzbovozi@sarkor.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши пленуми

ҲАРАКАТ ДАСТУРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

2005 йилнинг 9 июль куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда партия ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ қатор масалалар кўриб чиқилди.

Маълумки, партиянинг сўл мафкураси ва ижтимоий платформасини тасдиқлаб, янги Дастурини қабул қилган Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2005 йилнинг 2 июлида бўлиб ўтган V қурултойи ўз қарорларида унинг ташкилий тузилмаларини ҳам такомиллаштириш лозимлигини таъкидлаган эди. Шу муносабат билан пленум Марказий Кенгаш Сиёсий ижроия қўмитаси ваколатлари тугаганлиги тўғрисида қарор қабул этиб, партиянинг янги марказий мувофиқлаштирувчи органи — Марказий Кенгаш Ижроия қўмитасини сайлади.

Жамиятдаги етакчи кучга айланиб, келгуси сайловларда ғалабага эришиш учун курашиш асосий вазифа этиб қўйилган Дастурнинг қабул қилиниши партия фаолиятига янги талаблар қўймоқда. Демак, партия марказий органларининг масъулияти ва улар бажарадиган ишларнинг ҳажми жуда ошади. Ўз ўзидан тушунарлики, Ўзбекистон ХДП МК раисининг ҳам вазифалари доираси кенгаяди. Айни пайтда, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбарининг ҳам, парламентнинг доимий асосда фаолият кўрсатиши боис, ишлари тобора кўпайиб бормоқда. Шуларни ҳисобга олиб, пленум Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ва Қонунчилик палатасидаги фракцияси раиси вазифаларини ўриндошлик асосида олиб борилишини мақсадга мувофиқ эмас, деб топди. Бунда, шунингдек Аслиддин Рустамовнинг бундан кейин ўз фаолиятини фракция раиси вазифасини бажаришга асосан қаратиши тўғрисидаги мурожаати ҳам инобатга олинди.

Пленум Марказий Кенгаш аъзоси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмитасининг раиси Изидор Кочмарикнинг таклифига мувофиқ, Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси ўринбосари Латиф Ғуломовни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси ва МК Ижроия қўмитаси аъзоси этиб сайлади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосарлари ва Ижроия қўмита аъзолари этиб Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси Изидор Кочмарик, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси масъул ходими Гулруҳ Аъзамова, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Насимқул Каримов сайландилар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолари этиб, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Светлана Иномова, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раиси Аслиддин Рустамов, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири Сафар Остонов, Наманган вилоят стандартлаш, метрология ва сертификатлаш ҳудудий бошқармасининг раҳбари, давлат бош инспектори Абдурашид Убайдуллаев, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси Атаулла Асанов, Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси Олим Равшанов, Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси Абдумалик Қўчқоралиев, «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти кадрлар бўлими бошлиғи Муҳитдин Бозоров сайландилар.

Шундан кейин партия раҳбари Латиф Ғуломов Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Дастури ва V қурултойи қарорларини бажариш бўйича ҳаракат дастури тўғрисидаги масала юзасидан маъруза қилди. Маърузада бугунги кунда партия олдида турган асосий масала — Ўзбекистон ХДП Дастурида илгари сурилган ғоя ва таклифларни ҳаётга татбиқ этиш, жамиятда етакчилик мавқеини қўлга киритиб, келгуси сайловларда ғолиб чиқиш учун кенг кўламли амалий ишларни олиб бориш эканлиги таъкидланиб, шу мақсадда ишлаб чиқилган ҳаракат дастурининг моҳияти очиб берилган. 2005-2009 йилларга мўлжалланган ушбу ҳужжатда партиямизнинг барча бўғинлари, депутатлик тузилмалари ва матбуот нашрлари томонидан бажарилиши кўзланаётган тадбирлар, уларни амалга ошириш муддатлари ва ижрочилари аниқ белгиланган.

Бу ишларнинг биринчи йўналиши — барча бошланғич партия ташкилотларида Ўзбекистон ХДП Дастури ва қурултой қарорларининг чуқур ўрганилишини ва уларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида тарғиб қилишни ташкил этиш. Ушбу соҳадаги жорий ва истиқболдаги вазифалар аниқ — дастурий ҳужжатларни матбуотда эълон қилиш ва жойларда ўрганишни ташкил қилишдан бошлаб, то партия ўқувларининг ягона тизимини яратишгача бўлган ишлардир.

Иккинчи йўналиш ҳаракат дастурида белгиланган тадбирларнинг изчил амалга оширилишини таъминлашдан иборат. Бунда партия Марказий Кенгаши, минтақавий кенгашлар, бошланғич партия тащкилотлари, депутатлик тузилмалари ва газета ҳамда журналининг вазифалари бирма-бир кўрсатилган. Албатта, бу энг мураккаб иш.бўлганлиги учун катта куч ва ғайратни талаб қилади. Партиямизнинг обрўси, унинг аҳоли кенг қатламлари, хусусан, ХДП электорати, ўтиш даврида турли қийинчиликларни бошидан кечираётган кам таъминланган кишилар томонидан қўллаб-қувватланиши, биринчи навбатда, ана шу йўналишдаги ишларнинг самарадорлигига боғлиқлиги пленумда таъкидлаб ўтилди.

2-бет

Суратларда: пленум ишидан лавҳалар

Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

«Катта саккизлик» саммитида иштирок этиш учун Гленеглс шаҳрига бора туриб Ўзбекистон Республикаси ҳудуди устидан учиб ўтар эканман, Ҳиндистон ҳукумати ва халқи номидан, шунингдек шахсан ўз номимдан дўст Ўзбекистон халқига самимий қутловларимни ҳамда фаровонлик ва гуллаб-яшнаш борасидаги энг эзгу тилакларимни етказишни истар эдим.

Ҳиндистон ва Ўзбекистонни кўп асрлик тарихий ва маданий муносабатлар боғлаб туради ва биз умид қиламизки, улар кенгайишда давом этаверади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз Жаноби Олийларига ўзимнинг самимий тилакларимни, мустаҳкам соғлиқ ва муваффақиятлар изҳор этишни истар эдим.

Манмоҳан СИНГХ,
Ҳиндистон Бош вазири

Ватан ифтихорлари

ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОН БЎЛГАН КУН

ҲАМЮРТИМИЗ РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВ ШОҲМОТ СУЛТОНИ БЎЛГАНИГА БИР ЙИЛ ТЎЛДИ



Одамзод ҳаётида шундай воқеалар бўладики, улар ҳеч қачон унутилмайди, умрбод ёдда сақланади, унинг авлодлари томонидан ҳам фахр билан тилга олинади.

Ислом КАРИМОВ

Ҳеч шубҳасиз, 2004 йил 13 июль куни содир бўлган оламшумул воқеа ўзбек халқи учун ана шундай унутилмас воқеалар сирасига киради. Ўша қутлуғ санада жонажон Ўзбекистонимиз бугунги авлодининг иқтидорли вакили бўлган Рустам Қосимжонов дунёнинг манаман, деган гроссмейстерларини ақл-заковат баҳсларида енгиб, шоҳмот бўйича жаҳон чемпиони деган юксак унвонни қўлга киритди ва олам аҳлига ўзбек халқининг заки аждодларидан мерос бой интеллектуал салоҳиятини намойиш этди.

Ақл-заковат ўйини ҳисобланмиш шоҳмотда жаҳон чемпиони бўлиш жуда катта шараф. Ахир, 1886 йилдан буён шоҳмот бўйича жаҳон чемпионларини аниқлаш учун мусобақалар ўтказилаётганига қарамай, атиги 17 нафар гроссмейстерга бу юксак унвон насиб этган. Ўз даврида шоҳмотда чақмоқдай порлаган Михаил Чигоринга, Сало Флорга, Паул Кересга, Виктор Корчнойга, яна қанчадан-қанча номдор гроссмейстерларга шу юксак унвонга эришиш армон бўлиб қолган. Шу боис 17-жаҳон чемпиони, амалдаги шоҳмот султони бизнинг юртдошимиз эканлигидан ҳар қанча фахрланса арзийди.

4-бет

ШАРҒУН КЎМИРИ — АФҒОНИСТОНГА

Мустақил Ўзбекистонимиз олтин ишлаб чиқариш бўйича Марказий Осиёда биринчи, дунёда эса етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бундан ташқари, юртимиз темир, рух, газ ва бошқа қазилмаларга ҳам бойдир. Ана шундай ерости конларидан бири Сариосиё туманидаги «Шарғункўмир» очиқ акциядорлик жамияти ҳисобланади. Ушбу «қора олтин» кони 1958 йилда фойдаланишга топширилган бўлиб, бугунгача 10 миллион тоннага яқин кўмир қазиб олинган.

— Бугунги кунда жамоамизда 730 нафар киши меҳнат қилмоқда. Ўтган йили 70 минг тоннага яқин майда ва йирик кўмир қазиб олдик, — дейди жамият раиси Чори Очилдиев. — Лекин бу бизни қаноатлантирмайди. Ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда иш юритаяпмиз. 2004 йилда 3 минг тонна карбит, 30 минг тонна оҳак ҳам ишлаб чиқарилди. Ойлик маошлар ўз вақтида берилмоқда. Ишчилар махсус кийимлар билан таъминланган.

Жорий йилнинг ўтган даврида жамиятда 310 миллион сўмликдан ортиқ кўмир қазиб олинган. Йил охиригача эса Ангрен ГРЭСига 60 минг тонна маҳсулот етказиб берилади. Яқинда эса Афғонистонга 80 минг тонна кўмир етказиб бериш бўйича шартнома имзоланди. Бу 800 минг доллар, демакдир. 2010 йилга бориб бир йилда 220-230 минг тонна кўмир қазиб олиш режалаштирилмоқда.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

Диққат

СИРТҚИ ҚАБУЛ СОАТЛАРИ

СИЗНИНГ САВОЛЛАРИНГИЗГА РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИ ТУРОБЖОН ЖЎРАЕВ ЖАВОБ БЕРАДИ

Мустақиллик йиллари мамлакатимиз таълим тизимида улкан бурилишлар, тарихий янгиланишлар даври бўлди. Фарзандларимизни ҳар томонлама етук ва баркамол қилиб тарбиялаш мақсадида «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилинди. Таълимнинг ҳар бир босқичида ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Ўтган 2004 йил эса республикамизда мактаб таълимини ривожлантириш муҳим ҳужжатлар қабул қилинган йил сифатида ёдимизда қолди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони ва ушбу Фармон асосида қабул қилинган ҳукумат қарорларида мактабларимизнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда узлуксиз таълимнинг ягона тизимини шакллантириш билан боғлиқ устувор вазифалар белгилаб берилди. Бугун мазкур Фармон талабларини бажариш бўйича жойларда кенг кўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Лекин, жойларда таълим тизимидаги ислоҳотларга тўсиқ бўлаётган муаммолар, камчиликлар ҳам оз эмас. Агар сиз мамлакатимизда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ижроси қандай бораётгани, мактабгача таълим муассасалари, ўқитувчилик касби муаммолари ва улар учун яратилаётган шароитлар юзасидан ўзингизни қизиқтираётган саволларга жавоб топишни истасангиз, ушбу масалалар бўйича таклифларингиз бўлса, «Ўзбекистон овози» газетасининг «Сиртқи қабул соатлари»га мурожаат қилинг.

Савол ва таклифларингизни хат, шошилинчнома, факс ёки телефон орқали йўллашингиз мумкин.

Мурожаатлар 15 июлга қадар қабул қилинади.

Манзилимиз: *Тошкент 700000, Матбуотчилар кўчаси 32-уй, «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти.*
Телефон: 133-69-45, 136-53-70, 133-79-14, 136-55-04.
Факс: 133-12-56.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси ҒУЛОМОВ ЛАТИФ ЁҚУБОВИЧ

Латиф Ғуломов 1956 йилда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Миллати ўзбек. Олий маълумотли — Тошкент давлат университети ҳамда Тошкент сиёсатшунослик ва бошқарув институтини тамомлаган. Тарих фанлари номзоди. Оилали, икки нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1978 йилда Ливияда араб тили таржимонлигидан бошлаган. 1981 йилдан бошлаб Ўзбекистон ёшлари ташкилотлари қўмитасида масъул лавозимларда ишлаган. 1990-1991 йилларда Тошкент шаҳар ижроия қўмитасида меҳнат қилган. 1992 йили Тошкент шаҳар ҳокимининг миллатлараро алоқалар, жамоат ташкилотлари ва дин ишлари бўйича маслаҳатчиси, 1992-1993 йилларда Тошкент шаҳар ҳокимининг Ташкилий-кадрлар ишлари бўлими мудири лавозимларида ишлаган. 1994 йилдан Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши биринчи котиби, шу йилнинг бошидан мазкур партия кенгаши раиси лавозимида ишлаб келди.

Л.Ё.Ғуломов 1994-1999 йилларда иккинчи чақириқ Олий Мажлис депутати бўлган. 2004 ва 2005 йилда бўлиб ўтган сайловларда Ўзбекистон ХДПдан Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланди. Айни вақтда Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

Латиф Ёқубович Ғуломов Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг III пленумида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси этиб сайланди.

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

2005 йил 11 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни фракция раиси Аслиддин Рустамов олиб борди. Йиғилишда «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси (биринчи ўқиш) ва «Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси (биринчи ўқиш), «Ўзбекистон Республикаси «Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонунини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси (биринчи ўқиш) ҳақидаги масалалар муҳокама этилди. Ушбу масалалар юзасидан фракция аъзоси, Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси Изидор Кочмарик ахборот берди.

Маълумки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакатимизда уй-жой-коммунал ислоҳотларининг бош вазифаси — асосий коммунал хизматлар соҳасида рақобат муҳитини яратиш ва ишлаб чиқаришни монополиядан чиқариш тўғрисидаги давлатимиз раҳбарияти томонидан қўйилган вазифа бажарилмай қолаётганлигини, айни пайтда кўрсатилаётган хизматлар сифати яхшиланмаётганлигини очиқравшан танқид қилмоқда. Вазиятни ўнглаш юзасидан ўзининг амалий таклифларини билдириб келмоқда. Шунингдек, аҳолининг кам таъминланган қатламларига ижтимоий мақбул нархларда ижарага бериш учун ипотека асосида оммавий уй-жой қурилишини кенгайтириш, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари ижтимоий фондлар ҳисобига ижтимоий уй-жой қуриш масаласини ўртага қўймоқда. Албатта, бу муаммолар ечими соҳага оид Қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришни ҳам тақозо этади. Шу боисдан ҳам фракция аъзолари бу масалага ғоят жиддий ёндашиб, қизғин муҳокама қилдилар. Муҳокама жараёнида фракция аъзоларидан Фахриддин Ражабов, Абдуманноб Раҳимов, Анвар Шукуров, Алия Юнусова, Нумонжон Аҳмаджонов ва бошқалар ўз фикр мулоҳазалари, таклифларини билдириб, мазкур қонунларни қабул қилишда Ўзбекистон ХДПнинг позициясида қатъий туриш, партиямиз электорати манфаатларини, албатта, ҳисобга олинишига эришиш лозимлигини таъкидладилар.

Фракция йиғилишида бундан ташқари «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ва ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди ва улар юзасидан фракция аъзолари — Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Шарбат Абдуллаева ҳамда Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Нурдинжон Исмоиловларнинг ахборотлари тинглади.

Йиғилиш кун тартибидаги барча масалалар бўйича фракциянинг нуқтаи назари белгиланди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK —
aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

ЎзХДП УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА СИЗНИНГ ФИКРИНГИЗ, СИЗНИНГ ПОЗИЦИЯНГИЗ ҚАНДАЙ?

СИЁСИЙ ПАРТИЯНИНГ КУЧИ

УНИНГ ЎЗ МУСТАҲКАМ ПОЗИЦИЯСИГА ЭГА БЎЛИШИ ВА УНИ ҚАТЪИЙ ТУРИБ ҲИМОЯ ҚИЛА ОЛИШИДАДИР, ДЕГАН ЯҚДИЛ ҚАРОРГА КЕЛДИ ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ III ПЛЕНУМИ ИШТИРОКЧИЛАРИ

Атаулла АСАНОВ, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси:

— Партиямиз Марказий Кенгаши раислиги билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция раислиги лавозимларининг ажратилиши — бу жуда тўғри тўхтам, деб ҳисоблайман. Чунки бир вақтнинг ўзида иккита катта ишни олиб бориш маълум бир қийинчиликларни туғдиради. Масалан, партия раҳбарини излаб, Марказий Кенгашга қўнғироқ қилсак, Олий Мажлисда дейишарди, палатага сим қоқсак, мажлисда дейишарди. Энди бунга чек қўяяпмиз, натижада ишнинг унуми ўсади ва бошқа партияларга нисбатан юксалиш, жадаллашиш, амалга оширилажак режаларнинг самараси тезроқ сезилади, деб ўйлайман.

Олим РАВШАНОВ, Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси:



— Яқинда бўлиб ўтган V қурултой партиямиз ҳаётида янги даврни бошлаб берди, десак муболаға бўлмайди. Ҳақиқатан ҳам айтиш мумкинки, мана шу қурултойимиздан сўнг партиямиз Дастурида белгиланган вазифаларни, ғояларни ҳаётга татбиқ этиш, назаримда бошланғич ташкилотларимиз, қолаверса, кенгашларимиз ҳамда партия фаолларимизнинг асосий ишларидан бўлмоғи керак. Халқ фаровонлигини ошириш, фуқароларни ижтимоий муҳофазалаш, уларнинг инсоний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бугунги кунда нафақат бизнинг, балки ҳамма жамоат ва нодавлат ташкилотларининг асосий вазифаларидан бири.

Бугун жамиятимизда, катта ўзгаришлар бўлаяпти. Булар эса мамлакатимиздаги барча партияларнинг олдига янгиянги вазифаларни қўймоқда. Айтиш мумкинки, бугун биз амалга ошираётган ҳар битта ҳаракатимиз халқимиз томонидан қайсидир маънода эътироф этиляпти. Айнан ўзимизни мавжуд партияларга нисбатан мухолифат деб эълон қилганимиз, қолаверса, асосий Дастуримизда аҳолининг ижтимоий заиф қатламларини муҳофаза қилиш, кам таъминланган оилалар манфаатидан келиб чиқиб фаолият юритишимиз халқимиз орасида партиямизга нисбатан хайрихоҳларнинг ортишига сабаб бўлаяпти.

Қурултойда қилинган Марказий Кенгаш маърузаси ҳам кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Маърузада айтилган, Дастурда белгиланган вазифалар жуда муҳим, у ҳар битта партия етакчисига катта масъулият юклайди.

Тўғри, мухолифат сўзини ҳамма ҳар хил тушуниши мумкин, лекин уни зиммага олиш, менинг назаримда, жуда қийин вазифа. Биз бугун нафақат мавжуд сиёсий партияларга, биринчи галда Либерал-демократик партияга ўзимизни асосий мухолиф деб билдик, уларнинг ғояларига қўшилган партияларни сиёсий рақобатчи деб эълон қилдик ва шу билан бирга, биз ҳозир фаолият кўрсатаётган ижроия ҳокимиятнинг камчиликларини танқид қила бошладик.

Бу, яна бир бор таъкидлайман, жуда катта масъулият, биз ўзимизга жуда катта мажбуриятларни олаяпмиз. Бу осон кечадиган нарса эмас. Чунки ижроия ҳокимиятда, қолаверса, ҳокимликларда фаолият кўрсатаётган одамлар, ҳокимликларнинг бошқармалари, ижро органлари билан мухолифатга кириш, биринчи навбатда биздан чуқур сиёсий билимларни талаб қилади. Шу маънода бугун барча сафдошларимизнинг сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий билимларини оширишимиз керак. Қурултойда ҳам айтиб ўтилди, сиёсий ўқувларни ташкил қилиш жуда муҳим. Чунки биз бу нарсалардан оз бўлса-да чекингандик.

Мана бугун ишлаш учун ҳамма имконият бор. Давлатимиз томонидан партияларнинг фаолият юритиши учун маблағлар ажратилди. Албатта, бу бошланиши, лекин авваллари шу ҳам йўқ эди. Ҳа, партияларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиши учун давлатимиз қайғураяпти. Буни энди оқлашимиз керак.

Партиямиз молиялаштирилгунга қадар биз асосан аъзолик бадаллари йиғиш билан шуғулланардик. Кенгаш раислари барча шарт-шароитларни яратиб бермоқда.

Мана яқинда партиямиз V қурултойи бўлиб ўтди. Кейинги йиллар давомида мамлакатимизда бундай йиғилишлар кузатилмаган, маърузалар эса ҳали айтилмаган эди. Мавжуд муаммолар очиқ-ойдин айтилди. Уларнинг ечимлари изланди. Қурултойдан сўнг кўпчилик энди нима бўлади, булар қандай жазо олар экан, деган гаплар ҳам бўлди. Буни айтган инсонлар Оллоҳ олдида ўзлари жавоб беради. Биз мана мустақил Ўзбекистонимизни, жамиятимизни севганимиз, асраб-авайлашни хоҳлаганимиз учун мавжуд камчиликларни рўйрост гапираяпмиз. Қуръони каримда ёзилган: «Ҳар қандай вазият ва шароитда ҳам рост, ҳақиқатни айт». Мана шу йўлга ҳозир партиямиз ўтди — сўл, деб ном олди...

Халқимизнинг матонатига, сабрига, қадрига етмаяпмиз, чамаси. Бугунги юзага келган вазиятдан биз — партиядошлар тегишли хулоса чиқаришимиз керак. Юқорида санаб ўтилган қонунларни қанчалик тез қабул қилинишига эришсак, албатта кейинги сайловларда ютиб чиқамиз.

Битта мисолни айтай. Бугун мактабларда ўқитувчилар — ўз касбига ашаддий мухлис бўлганлар, шифохоналарда эса врачлар бошқа иш йўқлиги сабаблигина меҳнат қилмоқда. Бир ставкада ишлаган ўқитувчи ойига 26 минг сўм иш ҳақи олади. Унинг битта фарзанди бўлса, шу пул боласининг овқати ва йўлкирасига етмайди. Мен бонг ураман ва: Диққат! Диққат! Диққат! дейман. Халқ таълими вазирлиги, масъул идоралар бу ҳақда жиддий ўйламоғи керак.

Насимқул КАРИМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:



— Партиямизнинг V қурултойи ва унда кўтарилган масалалар халқимиз орасида жуда катта қизиқиш уйғотди. Биз ўз зиммамизга масъулиятли вазифаларни олдик. Лекин, бугун шу вазифаларни амалга ошириш учун қанчалик даражада тайёрмиз? Бошланғич партия ташкилотлари, туман, шаҳар кенгашлари фаоллари-чи? Минбарлардан туриб жуда чиройли гапларни айтиш мумкин. Лекин амалда уларнинг ижобатини таъминлашга қаттиқ киришмас эканмиз, бу гапларнинг ҳеч бир юки бўлмайди.

Вилоят, туман, шаҳар ташкилотларимиз етакчилари билан маҳаллий раҳбарлар ҳисоблашишлари керак. Бунга эришиш жуда қийин. Чунки, қуйи бўғинлардаги аксарият лидерларимиз ўз дастурий фаолияти қолиб «ҳоким берган топшириқ»ни бажариб юради. Сиёсий партия ташкилотининг лидери ижро ҳокимияти вакилининг топшириғини бажариб юриши қайси бир мезонга тўғри келади? Агар биз маҳаллий ташкилотларимиз раҳбарлари билан маҳаллий раҳбарлар ҳисоблашишларига эришмас эканмиз, амалда ҳеч нарсага эриша олмаймиз. Шундай бўлмас экан, ортимиздан, жойларда фаолларимиз ортидан халқимизни эргаштира олмаймиз. ХДП фаоллари, Марказий Кенгаш аъзолари, ҳаммамиз жойларга чиқиб, одамларга партиямиз Дастури мазмунини, сиёсий позициясининг моҳиятини тушунтириб беришимиз керак.

Бугун аҳолининг бандлигини таъминлаш диққат-эътиборимиздаги энг асосий масалалардан биридир. Мен ўзим Сурхондарё вилоятининг икки тумани бўйича депутат этиб сайланганман. Унинг бирида 60, иккинчисида 70 минг аҳоли истиқомат қилади. Яқинда улардан статистик маълумотларни олганимда, бир туманда 22 нафар, иккинчисида 40 нафар ишсиз мавжуд экан. Бу маълумотга қандай қараш керак? Ўша ердаги статистика бўлими раҳбарининг сўзларига қараганда, агар фуқаро бир кунда икки соатлик иш топиб, ёлланиб ишласа, демак, у ишсиз ҳисобланмас экан. Биз жамиятимиздаги сиёсий кучларнинг сўл қаноти сифатида бундай аҳвол ва бундай раҳбарлар билан қандай қилиб муроса қилишимиз мумкин?

Яна бир масалада алоҳида тўхталмоқчи эдим. Дастурий мақсадларимизни амалга ошириш билан бирга, Ватанимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги учун жамиятимизда экстремизм, терроризм каби бузғунчи кучларга ҳеч қандай ўрин қолдирмаслигимиз керак. Андижон воқеалари муносабати билан тезкор тарғиботчилар гуруҳларини тузиб, шаҳар ва туманларга юбориш лозим. Тоинки улар аҳоли ўртасида тарғибот ишларини олиб боришга ҳисса қўшсалар.

Сафар ОСТОНОВ, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири:



— Зиммамизга жуда катта ва юксак вазифани олдик. Лекин ҳозир ҳар биримиз ўзимизга бир саволни беришимиз керак: бу масъулиятли вазифани бажаришга руҳан тайёрмизми? Бекитишнинг ҳожати йўқ, фидойилик ва жасорат талаб қиладиган бу вазифаларни бажаришга ҳаммамиз тайёрмиз, дея олмаймиз.

Иккинчидан — олдимизга қўйган ғояларимизга, энг аввало, ўзимиз юрак-юрагимиздан ишонишимиз керак. Агар бу ғояларга ўзимиз ишонсаккина бошқаларни ишонтира оламиз.

Ҳозир биринчи вазифамиз — партия ғояси ва мақсад-муддаосини унинг ҳар бир аъзосига, жамоатчиликка кенг тушунтиришимиз керак. Бунда ўз нашрларимиздан бошқа ОАВдан ҳам кенг фойдаланиш керак. Эртага бу ғояларга тош отадиган, уларга бошқача баҳо беришга уринадиганлар яна чиқиб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам ғояларимиз нафақат ўзимизга, халққа ҳам аниқ-равшан бўлмоғи керак. Газетамизнинг ўтган сонидан бошлаб **«ЎзХДП устувор йўналишлари бўйича сизнинг фикрингиз, сизнинг позициянгиз қандай?»** деган янги рукн очдик. Яна янги рукнлар очишни режалаштирганмиз. Партиямиз фаоллари, етакчилари, депутатларимиз газетамизда изчил чиқиб туришса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ҳозир ишсизлик ҳақида гапирилди. Тўғри, бу бор муаммо. Хотин-қизлар, айниқса, ёшлар тўқнаш келиб турибди бу муаммога. Шаҳарларда ишсизлар «бозор»лари борлиги ҳам аччиқ бўлса-да ҳақиқат. Ҳаммага аён бу, ҳукуматга ҳам. Биз ҳаммага маълум муаммони гапириш билан чекланмай, унинг сабаблари ва ечими ҳақида фикр айтсак, фойдамиз теккан бўлади. Шунақа туман ҳокимлари, хўжаликлар раислари борки, янги иш ўринлари очиш борасида деярли жон койитишмайди. Улар қанча гектар ерга чигит, буғдой, карам экилганини ёддан билишади. Аммо, ўтган йили қанча бола мактабни битирди, қанчаси ишга жойлашди, қанчаси ўқишга кирди, деб савол берсангиз жавоб беролмайди.

Газетамизда ушбу масалалар билан бирга одамларни қийнаётган, ташвишга солаётган, ислоҳотларга тўсиқ бўлаётган бошқа муаммоларни дадил кўтаришимиз зарур, деб ўйлайман. Ўшанда партиямизнинг обрўси бўлади, одамлар унга ишонади, унга эргашади.

Аслиддин РУСТАМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси раиси:

— Қонунчилик палатасидаги партиямиз фракцияси жуда салоҳиятли. Биз ҳар доим ўринли, асосли, жўяли таклифларни айтишга, қонунчиликка киритишга ҳаракат қиламиз. Хабарингиз бор, Қонунчилик палатасида «Демократик блок» тузилди. У учта партия фракцияси аъзоларини бирлаштирган 67 нафар депутатдан иборат. Демак, уларнинг ҳар қандай қонунни

қабул қилишга кучлари етади. Биз эса 27 нафар депутатмиз. Шу сабабли истаган қонунимизни ўтказа олмаслигимиз мумкин. Бироқ, агар партиямиз Марказий Кенгаши, унинг қошидаги Эксперт-лар гуруҳи билан яқиндан ҳамкорлик қилсак, бирдам, ҳамжиҳат бўлсак ўз дастурий мақсадларимизни амалга ошириш бўйича вазифаларимизни бажара олишимиз мумкин. Қачонки, халққа ҳам, давлатга ҳам фойдали, зарур, замонавий талабларга жавоб берадиган қонунларни ишлаб чиқа олсак уларнинг қабул қилинишига, яъни бошқа фракциялар аъзоларини ҳам бунга кўндиришга эришишимиз осон кечади.

Кейинги вақтларда ижтимоий аҳамиятга молик бўлган кўплаб қонунларга ўзгартиришлар киритилди. Шу жараёнда фракциямиз аъзоларининг чиқишлари бу ўзгартиришларнинг аҳоли учун шафқатсиз бўлиб кетмаслигига хизмат қилди. Чунки, «Демократик блок»нинг аъзоси бўлган, Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган қонун лойиҳаларини қандай бўлса шундайлигича қабул қилиб юборишга тайёр турган депутатлар ҳам бор. Демак, бизнинг фракциямиз аъзоларидан жуда катта фаоллик, ирода талаб этилади.

Палатанинг мажлисларида қизғин тортишувлар бўлади. Баъзи депутатлар халқчил бўлмаган айрим қонун лойиҳаларини ҳам қўллаб-қувватлаб фикр билдирадилар. Аммо булар оммавий ахборот воситаларида акс этмаяпти. Мажлисларда «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарининг мухбири доим қатнашади, уни кузатади. Лекин кескин баҳслар газета саҳифаларида кўринмаяпти. Биз фракциямиз фаолияти ва у билан боғлиқ палатадаги қонунчилик жараёнларига жамоатчиликнинг эътиборини газетамиз орқали қаратишимиз керак.

Ундан ташқари, вилоятлар, туманларда Марказий Кенгаш ва партиямиз фракцияси ҳамкорликда партиямиз фаолларининг ўқувини, аҳоли билан учрашувларни, турли семинар-тренингларни ташкил этишимиз керак, деб ўйлайман. Шундагина бизнинг мақсадларимизни халқимиз чуқур тушуниб етади ва бизни қўллаб-қувватлайди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ, Беҳзод ШУКУРОВ, Маъмуржон МАҲМУД ёзиб олдилар.

Абдурашид УБАЙДУЛЛАЕВ, ЎзХДП МК аъзоси, «Ўздавстандарт»нинг Наманган вилоят худудий бошқармаси бошлиғи:

— Бугунги кунда партиямиз фракцияси олдида турган энг долзарб вазифалардан бири «Миграция тўғрисида», «Индексация тўғрисида» ва «Истеъмол саватчаси тўғрисида» қонунлар қабул қилинишига эришиш, деб ҳисоблайман. Ҳаракат дастурида «Индексация тўғрисида»ги қонун ҳақида умуман сўз юритилмаган.

2003-2005 йиллар давомида биргина электр энергиясининг нархи 6 марта ошган. Буларнинг барчаси аҳоли даромадининг камайиши ҳисобига ўсаяпти, чунки ойлик маош индексация қилинмаяпти.

Юқоридаги қонунлар қабул қилинишига бугун эришсак, эртанги келажагимизни шу бугундан яратган бўламиз. Мен мавжуд муаммоларни очиқ-ойдин айтаман ва уларнинг ечимини топишга интиламан. Менимча, бу айб эмас.

Корхоналар фойдаланиладиган электр энергияси учун 30 фоиз миқдорида олдиндан ҳақ тўлаши лозим. Бунинг оқибатида улар банкротликка учраяпти, ишсизлар сони эса кўпаймоқда. Биргина Наманган шаҳридаги 8 та корхона банкротликка учради ва 12 минг одам ишсиз қолди...

Кўпчилик Россияга, Қозоғистонга борма, дейишади. Иш бўлмаса қаерга боради? Айрим фуқароларимиз иложи йўқлигидан ўзга юртларга иш қидириб кетмоқда. Бу давлатлар эса ўзининг иқтисодини ривожлантириш учун эмигрантларга ётоқхона, овқат, қисқ-

ХАЛҚАРО ИШЧИ ГУРУҲИ АНДИЖОНДА

Олиб борилаётган текширув ишлари ҳамда Андижон шаҳрида вазиятни барқарорлаштириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати кўраётган чора-тадбирлар мониторингини амалга ошириш бўйича мамлакатимизда аккредитация қилинган хорижий дипломатик корпус вакилларидан иборат ишчи гуруҳи аъзолари 11 июль куни Андижонга келди.

Дипломатлар етакчи хорижий телекомпания ва ахборот агентликларининг журналистларидан иборат катта гуруҳ ҳамроҳлигида жорий йил 13 май куни фожиали воқеалар рўй берган жойларга бордилар, қуролланган жангариларнинг кутилмаган ва сурбетларча уюштирилган ҳужумига учраган милиция пост-патрул хизмати ва Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисмда бўлиб, ўша воқеаларнинг гувоҳлари — офицерлар ва аскарлар билан суҳбатлашдилар.

Гуруҳ аъзолари 1-шаҳар ахлоқ тузатиш колониясини кўздан кечирдилар. Бу ерда уларга маҳбуслар билан учрашиш ва ўзларини қизиқтирган саволларни бериш имконияти яратилди. Улар ҳужум қилиш мўлжалланган бошқа объектларга террорчилар томонидан зўрлик билан олиб кетилган ва турли йўллар билан жангарилар сафини тарк этиб, ўз ихтиёрига биноан жазони ўташ жойига қайтган маҳбуслардир.

Гуруҳ аъзолари шаҳардаги «Исломобод», «Сой» ва «Форобий» маҳаллаларида фуқароларнинг маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари вакиллари билан учрашдилар, оддий андижонликлар, жумладан, ғайриихтиёрий равишда ўша воқеаларнинг гувоҳи ва иштирокчиси бўлган ҳамда Қирғизистон ҳудудига олиб кетилган, лекин охир-оқибат қочқинлар лагеридан уйига қайтиб келишга муваффақ бўлган одамлар билан мулоқот қилдилар. Дипломатлар ва журналистлар террорчилар қўлида ҳалок бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимлари, ҳарбийлар ва тинч аҳоли вакилларининг яқинлари билан ҳам суҳбатлашдилар.

Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган учрашувда Андижон вилояти ҳокими С.Бегалиев ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш тузилмалари раҳбарлари ишчи гуруҳ аъзоларига терговнинг бориши, Ўзбекистон ҳукумати ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан шаҳарда вазиятни барқарорлаштириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида сўзлаб бердилар, дипломатлар ва журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар. Йиғилганларга 13 май куни жангариларнинг ўзлари суратга олган видеолавҳалар намойиш этилди. Бу лавҳалар террорчилик ҳаракати аввалдан пухта режалаштирилганини тасдиқлайди.

Андижон марказини, шаҳар бозорини, террорчилар ёқиб юборган ва ҳозир жадал тикланаётган Бобур номидаги вилоят мусиқали драма театри биносини кўздан кечирган дипломатлар ва журналистлар андижонликлар ҳаётини барқарорлаштириш борасидаги чора-тадбирлар ўз самарасини берганига ишонч ҳосил қилдилар: шаҳар тинч-осуда, одамлар кундалик юмушлари билан машғул, ҳаёт ўз маромида давом этмоқда. Шу куни халқаро ишчи гуруҳ аъзолари Тошкентга қайтиб келдилар.

(ЎзА)

ҲАРАКАТ ДАСТУРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Маърузада Андижон воқеалари муносабати билан хорижий оммавий ахборот воситалари томонидан Ўзбекистонга нисбатан уюштирилган ахборот тажовузига қарши курашда партиямиз ўз ихтиёридаги барча воситалар билан иштирок этиши лозимлиги уқтириб ўтилди. Зеро, мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Остона шаҳрида бўлиб ўтган саммитида сўзлаган нутқида кўрсатиб ўтганидек, Марказий Осиёда стратегик ноаниқлик ҳукм сурмоқдаки, бу айрим бузғунчи кучларга вазиятни издан чиқариш учун қўл келиши мумкин. Яқинда Лондонда содир этилган портлашлар халқаро терроризмнинг чегара билмаслигини ва у билан курашиш масаласида икки хил андоза сиёсатини қўллаш нақадар хавфли эканлигини исботлади.

Пленум партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари эътиборини аҳоли ўртасида олиб бориладиган ишларни кучайтириш, бунда хусусан, бошланғич партия ташкилотларининг ролини кескин ошириш лозимлигига қаратди. Чунки, улар одамлар билан ҳамиша алоқадалар, уларнинг аҳволи ва кайфиятини яхши биладилар, уларга таъсир кўрсата оладилар. Шунинг учун, аҳолининг ҳаётий манфаатлари билан боғлиқ масалаларнинг ҳокимият ва ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳал этилиши, шу ҳақдаги қонун ва қарорларнинг бажарилиши устидан мониторинг юргизишда иштирок этиш, жойлардаги аҳвол ва аҳоли турли гуруҳларининг кайфияти тўғрисида юқори партия ташкилотларига тезкор маълумотлар узатиб туриш алоҳида аҳамият касб этади.

Маърузачи партияда содир бўлаётган ўзгаришлар муносабати билан ХДП матбуот органлари зиммасига катта масъулият юкланаётганлигини эслатиб, энг муҳими уларнинг руҳи ўзгариши, улардан партиямизнинг сўл сиёсий позицияси, дастурий ғояларимизнинг ижтимоий йўналтирилганлиги, парламентдаги фракциямизнинг ҳақиқий мухолифлиги кўзга ташланиб туриши керак.

Марказий Кенгаш раиси партиянинг устувор вазифаларини бажаришда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган раҳбар кадрларни танлаш, жойжойига қўйиш, малакасини ошириш соҳасидаги ишларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан музокараларда қуйидагилар иштирок этдилар:

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси Атаулла Асанов, Қашқадарё вилоят партия кенгаши раиси Олим Равшанов, Наманган вилоят стандартлаш, метрология ва сертификатлаш ҳудудий бошқармасининг раҳбари, давлат бош инспектори Абдурашид Убайдуллаев, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Насимқул Каримов, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири Сафар Остонов, партиянинг Олий Мажлис қонунчилик палатасидаги фракцияси раиси Аслиддин Рустамов.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Шунинг билан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши пленуми ўз ишини тугатди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Муносабат

ОНА ҚАЛБИ ОЁҚҚА ТУРСА...

Фарғона аёлларининг Андижон воқеалари муносабати билан Ўзбекистон хотин-қизларига мурожаатини ўқиб...

Дунё адабиётининг йирик намояндаси Расул Ҳамзатовнинг шундай сатрлари бор:

Тоғликлар бир-бирин тушгач қасдига,
Узоқлардан етиб келса-да аёл,
Рўмолчасин отса оёқ остига,
Шу лаҳза қўллардан тушади қурол...

Мана шу тўрт мисра шеърда аёл қудрати, аёл жасорати, аёл маънавияти, унинг чексиз-чегарасиз сир-синоатлари ифодаланган. Ҳамма замонларда ҳам оналар нотинчликни, турли хил жанжал-тўполонларни, қолаверса, мудҳиш урушни лаънатлаган. Тинчлик нима эканлигини, унинг қадрига етиш кераклигини аёллардек теран англайдиганлар бўлмаса керак. Уруш ҳамиша уларни ҳаёт тирраги ҳисобланган умр йўлдошларидан, жигарпораси бўлган ўғлидан, ака-укасию, отасидан жудо қилган. Шунинг учун аёллар ҳамиша урушга қарши бўлганлар, бор имкониятлари билан турли балоқазоларнинг олдини олишга ҳаракат қилганлар.

Минг шукрки, юртимизда тинчлик, барқарорлик ҳукм сурмоқда. Бугун ўғлонларимиз жангларда бедарак кетмайди, оналаримиз қорахат олиб бир умр фарзанд доғида ўртанмайдилар. Лекин ҳозирги кунда уруҳдан-да даҳшатлироқ бир разолат, қабоҳат борки, у фарзандларимизни, бегуноҳ инсонларни ўз домига тортмоқда. Бу терроризм отлиқ аср вабосидир.

Урушни-ку тушунса бўлади, унда кимдир қаҳрамонларча ҳалок бўлади. Номи ифтихор билан эсланади. Террорчи эса ўлса ҳам, ўлдирса ҳам лаънатланади. Фарғона аёлларининг мурожаатида ҳам ана шу ўкинч билан тилга олинади. **«Айрим фарзандларимиз, муқаддас ислом динини ниқоб қилаётганларнинг қалтис йўлига билиб-билмай қадам босганлари ачинарли ҳолдир. Бу ўринда биз аёллар ҳам бепарволикка йўл қўйганимизни тан олмоғимиз лозим».**

Аёл деганда кўз ўнгимизда беғубор ва беозор она тимсоли гавдаланади. Ўзининг ожиз жуссаси билан у авлодлар шажарасини боғлаб туради. Ҳар бир инсон она алласини эшитиб тилга киради, она меҳрини эмиб улғаяди. Фарзанднинг таълим-тарбияси оналаримизга боғлиқ. Демак, аёлларнинг билимли ва масъулиятли бўлиши жамият савиясини белгилаб беради. Бир сўз билан айтганда, аёл миллат тарбиячисидир.

Фарзанд эзгулик йўлида камол топса, халққа нафи тегадиган инсон бўлиб етишса оналарни алқаймиз. Уларнинг заҳмати ва тарбияси билан шу даражага етибди, деймиз. Ўз навбатида фарзанднинг тубанликка юз тутишига ҳам аёлларнинг бепарволиги, лоқайдлиги сабаб бўлади. Бугунги кунда кўпчилик ёшларнинг қабиҳ йўлга кириб кетишида аёлларимиздан бироз айб ўтди. Она-да, койигиси келмагандир, ёмон хаёлга бормагандир. Лекин фарзанд тақдири хавф остида турган пайтда қаттиққўлроқ бўлиш керакмасми? Тўғриси, ўзбек оиласида эр рўзғор таъминотчиси бўлгани учун елиб-югуриб кўпинча уйда бўлмайди. Фарзанд тарбиясини эса оналар ўз қўлига ола билиши, босган қадамию ўйлаган ниятигача хабардор бўлиши лозим

Фарғоналик оналарнинг Андижон воқеалари муносабати билан Ўзбекистон хотин-қизларига мурожаатида ана шунга даъват этилган. **«Келинглар, биз оналар ҳам ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам ва ҳеч кимдан кам бўлмаслиги йўлида Президентимиз олиб бораётган оқилона сиёсатга жону дилимиз, бутун иймонимиз билан қўшилиб, жипслашайлик.**

...Бутун оналик, аёллик меҳримизни, маҳоратимизни ана шундай мард эркакларни тарбиялашга бахшида этайлик!»

Дунёда барча миллат, барча элатлар онани муқаддас билади. Энг қадрли тушунчаларга «она» сўзи қўшиб ишлатилади — она тили, она Ватан, она Ер. Ана шу она заминимизда тинчлик бўлиши учун, аввало, оналаримиз фидойи бўлишлари керак. Ўз фарзандининг уруш оловини ёқувчи, одамлар тинчлигини бузувчилар таъсирига тушиб қолмаслиги учун курашиши лозим. Шоира Зулфия айтганидек:

Кўкрак сути ва меҳнат билан
Биз жаҳонга берганмиз турмуш.
Она қалби оёққа турса
Ўғлим, сира бўлмайди уруш!

Анвар САМАДОВ

Парламент фаолияти

НОШИР ҲАМ, БУЮРТМАЧИ ҲАМ МАСЪУЛ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги тизимида «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг ижроси ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Йиғилишни қўмита раиси Х.Дўстмуҳаммедов олиб борди.

Қонун қабул қилингандан бери ўтган даврда (1996 йилдан) агентлик томонидан 65 юридик шахсга ноширлик фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия бериш ҳақида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритилган ва улар рўйхатдан ўтказилиб, давлат реестрига олинган. Шулардан 52 таси ҳозирги вақтда фаолият кўрсатмоқда.

Нашриётларнинг 16 таси агентлик тизимида бўлиб, улардан тўрттаси нашриёт матбаа ижодий уйи, 1 таси «Ўзбекистон миллий энциклопедицияси» давлат илмий нашриёти, 11 таси ҳудудий нашриётлардир. Уларнинг барчаси давлат унитар корхоналари ҳисобланади.

Умуман олганда 52 та нашриётнинг 33 таси давлат, 10 таси ҳиссадорлик, қолганлари бошқа мулкчилик шаклидаги субъектлардир.

Агентлик ўз зиммасига юкланган ваколатга кўра, ноширлик соҳасида қонун устуворлигини таъминлаш, истеъмолчилар, муаллифларнинг ҳуқуқларига риоя қилиш масалалари юзасидан мунтазам мониторинг ўтказиб боради ва тегишли чоралар кўради. Таҳлил қилинаётган даврда Қонунга хилоф равишда фаолият кўрсатгани, Устави (Низоми)да белгиланган қоида ва мажбуриятларни бузганлиги учун 7 та нашриётнинг фаолияти тўхтатилган, 9 та нашриётга тақдимнома ва огоҳлантиришлар киритилган.

Хусусан, «Ўзинкомцентр» ўзбек ташқи иқтисодий ахборот тижорат маркази «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасига биноан (муассиснинг номи ва мақоми, Устави ўзгаргани муносабати билан қайта рўйхатдан ўтмай фаолият кўрсатгани учун), «Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг Реклама ва ахборот агентлиги «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддасига биноан (лицензия олганидан кейин ўтган 6 ойдан ортиқ давр мобайнида биронта китоб чиқармагани учун), молиявий инқироз туфайли ноширлик фаолиятини давом эттира олмаганлиги учун «Наврўз» нашриётининг лицензиялари бекор қилинди.

Ўтказилган Қонун ижроси мониторинги натижаларига кўра, Самарқанд шаҳридаги «Эл» ОАЖ «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунга зид равишда ноширлик фаолияти билан шуғулланганги, лицензияга эга бўлмай туриб, ғайриқонуний равишда босма маҳсулотларини чоп этгани ва тарқатгани, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонунни бузганлиги ҳақидаги хулосалар республика Бош прокуратурасига тақдим этилди.

Ноширлик ҳуқуқи берилган Халқ таълими вазирлиги қошидаги «Ўзбек тили маркази», Республика ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими маркази ноширлик бўлими берилган ваколат доирасидан четга чиқиб кетганлиги, амалда лицензия олмай туриб, ўқув адабиётларини чоп этиб, тарқатгани учун агентликнинг тегишли буйруқлари билан рухсат этилган ҳуқуқдан маҳрум қилинди.

«Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи Қонун талабларига зид тарзда ва турли хатоликлар билан «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси», «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси» ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами»ни ўзбек ва рус тилларида чоп этган.

Китоб нашр этиш соҳасида ғоявий-бадиий жиҳатдан бугунги кун талабларига жавоб бермайдиган, мазмуни миллий истиқлол ғоясига хилоф бўлган, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган, безаги, муқоваси сифатсиз китоблар асосан вилоятларда фаолият юритаётган ҳудудий нашриётлар томонидан босиб чиқарилмоқда.

Бугунги кунда тизим корхона ва ташкилотларида 110 га яқин Давлатлараро стандартлар (ГОСТ), 10 та Ўзбекистон давлат стандарти, 30 га яқин техник шартлар ва 41 та тармоқ стандартлари қўлланилаётганлиги аниқланди. Техник шартлар ва тармоқ стандартларининг аксарияти, асосан 1975-1990 йилларда қабул қилинган бўлиб, уларнинг амал қилиш муддатлари ўтиб бўлган.

2005 йилда Агентлик томонидан 14 та Ўзбекистон давлат стандартлари ишлаб чиқилган ва 10 таси давлат рўйхатига олинган, 4 таси экспертизадан ўтказилмоқда. Қолган давлат стандартларини 2006-2010 йилларда қайта кўриб чиқиб, «Ўзстандарт» агентлигида тасдиқдан ўтказиш режалаштирилган.

Қўмита йиғилишида аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш ҳақида зарур тавсиялар берилди ва кўриб чиқилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Равшан ШОДИЕВ

«АҲОЛИШУНОСЛИК, АТРОФ МУҲИТ ВА РИВОЖЛАНИШ»

Ҳар йили дунё мамлакатларида 11 июль — Бутунжаҳон Аҳолишунослик куни сифатида нишонланади. Кеча «ЭКОСАН» халқаро ташкилотида ушбу сана ҳамда «катта саккизлик» давлатлари саммитида иқлим ўзгариши масалалари бўйича қабул қилинган натижаларга бағишланган «Аҳолишунослик, атроф-муҳит ва ривожланиш» мавзуида конференция бўлиб ўтди.

Унда иқлим ўзгаришининг демографик вазиятга таъсири, аёллар учун репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш, репродуктив ҳамда барқарор атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқлари, экология масалаларига оид қарорларни қабул қилишда аёлларнинг иштирокини таъминлаш ва уларнинг мавқеини кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, дипломатик корпус аъзолари ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ

ВЕЛОСИПЕД МИНИШГА ЎТДИЛАР

Ўтган ҳафта Лондондаги жамоат транспортларида содир этилган террорчилик актларидан сўнг аксарият Лондон аҳолиси жамоат транспортида ёки ўз автомобилларида эмас, балки велосипедларда юришни афзал кўришмоқда. Негаки, лондонликларнинг ай-



тишларича, велосипедда юриш хавфсиз бўлиб, унга террорчилар портловчи қурилма ўрнатолмайдилар. Шунинг учун ҳам айни кунларда велосипед савдоси билан шуғулланувчи дўкондорларнинг иши бароридан келмоқда, яъни уларнинг савдоси қизигандан қизиб бормоқда.

Бу ҳақда Reuters ахборот агентлиги хабар тарқатди.

Яна бир гап. The Times газетасида ёзишларича, Лондонда террорчилик актини яна содир этиш хавфи сақланиб турибди. Сабаб: 7 июль кунги терроргa алоқадор шахслар ҳануз топилгани йўқ.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУТАХАССИСЛАРИ УЧУН

Польша пойтахти Варшавада «Марказий Осиёда мустақил нашриётларни қўллаб-қувватлаш» деб номланган тренинг дастури ўз ишини бошлади. Ушбу дастурни амалга оширишдан мақсад Марказий Осиёда фаолият юритаётган мустақил нашрлар хизматчиларини саҳифалаш дастурларида ишлаш бўйича ўқитиш ва малакасини оширишдан иборат.

Гап шундаки, техника ва технологиялар жадал ривожлангани сари унда ишлатиладиган дастурлар ҳам мукаммалашиб, ўзгариб боради. Шу пайтгача саҳифаловчилар томонидан ишлатилаётган Adobe Page Meker дастури Европада янги Adobe In Design дастурига ўрнини бўшатиб бермоқда. Бироқ, бу дастур янги ва мураккаб бўлгани учун Марказий Осиё ҳудудида унчалик тарқалмаган. Уни ишлата оладиган мутахассислар ҳозирча кам.

Польша — Чехия — Словакия жамғармаси томонидан ташкил этилган ушбу тренинг икки ҳафта давом этади. Унда Қозоғистон, Тожикистон ва Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларидан вакиллар қатнашмоқда.

Хуршид РАУПОВ,
Варшава

НАВБАТДАГИ САММИТ — САНКТ-ПЕТЕРБУРГДА

«Катта саккизлик»ка аъзо давлатлар — АҚШ, Буюк Британия, Германия, Италия, Канада, Россия, Франция ва Япония мамлакатлари раҳбарларининг Шотландияда бўлиб ўтган саммити якунида яқин йиллар ичида Африка давлатларига 50 миллиард доллар миқдорида кўмак ажратишга қарор қилинди. «Тўғри, бу маблағ Африка дунёсини бир зумда ўзгартириб юборолмайди, бироқ ҳаётни ўзгартиришнинг бошланғич нуқтаси бўлиб хизмат қилиши табиий» деди Британия бош вазири, саммит раиси Тони Блэр.

Шунингдек, «катта саккизлик» Фаластин мухториятига 3 миллиард доллар миқдорида кўмак ажратиш борасидаги ҳужжат лойиҳасини маъқуллади.

Яна бир гап. «Катта саккизлик»нинг келгуси йилда бўладиган навбатдаги саммити Санкт-Петербургда ўтказилади. Унда энергетика хавфсизлиги ва таълим масалалари кун тартибининг асосини ташкил этади. Шунингдек, терроризмга қарши курашда ҳамкорликни кучайтириш ва бу борада эришилган ютуқлар бўйича ҳисобот тақдим этилади, дейилади «Новости» ахборот агентлиги хабарида.

БАКИЕВ КЎП ОВОЗ ОЛДИ

10 июль куни Қирғизистонда президент сайлови бўлиб ўтди. Марказий сайлов комиссияси берган хабарга кўра, душанба куни 95,37 фоиз, яъни 2181 та сайлов участкасидан 2080 та участкадаги бюллетенлар ҳисоб-китоб қилинди. Маълум бўлишича, 1 миллион 312 минг 174 киши, яъни 88,92 фоиз сайловчи республика президенти вазифасини бажарувчи Қурманбек Бакиев номзодини ёқлаб овоз берган. Иккинчи ўринда республика омбудсмани Турсунбой Бакир ўғли (56 минг киши — 3,8 фоиз сайловчи овоз берган), учинчи ўринда эса Санаотчилар ва табдиркорлар уюшмаси раҳбари Акбарали Айтикеев (52 минг 671 киши — 3,5 фоиз овоз олган) бормоқда.

Республикада овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 74,6 фоиз аҳоли сайловда иштирок этди.

Қирғизистон қонунчилигига кўра, сайловда қатнашувчилар 50 фоиздан ошса, сайлов бўлиб ўтган ҳисобланади.

Республикадан ташқарида 40 та сайлов участкаси ташкил этилди.

Президентлик курсиси учун ҳаммаси бўлиб 6 номзод ўзаро кураш олиб борди. Улар президент вазифасини бажарувчи Қурманбек Бакиев, Саноатчилар ва тадбиркорлар уюшмаси раҳбари Акбарали Айтикеев, республика омбудсмани Турсунбой Бакир ўғли, «Қирғизистон демократик ҳаракати» етакчиси Жипар Жакшеев, нодавлат ташкилотлари ассоциацияси раиси Тўхтаойим Уматалиева ва Қирғизистоннинг собиқ ички ишлар вазири Кенешбек Душебаевлардир.

КОНСТИТУЦИЯ МАЪҚУЛЛАНДИ

Якшанба куни Люксембургда Европа Конституциясини ратификация қилиш бўйича умумхалқ референдуми ўтказилди. Аввалдан олинган маълумотларга кўра, — дейилади CNN телеканали сайтидаги ахборотда, — Конституцияни ёқлаб 56,52 фоиз аҳоли овоз берган бўлса, 43,48 фоизи қарши чиқди. Ҳозиргача 90 фоиз бюллетенлар ҳисоб-китоб қилиб бўлинди.

Овоз беришда 230 мингга яқин одам, яъни Люксембургнинг барча аҳолиси иштирок этди. Лексембург фуқароларининг бундай «фаоллиги» бежиз эмас. Мамлакат қонунчилигига кўра, кимки овоз беришга чиқмаса, йирик миқдорда жарима жазосига тортилади.

ХОДИМЛАР ҚИСҚАРТИРИЛАДИ

Миср маъмурияти Ироқдаги ўз элчихонаси ходимларини қисқартиришга қарор қилди. «Яқинда ўғирлаб кетилган Миср элчиси «Ал-Қоида» террорчилари томонидан ўлдирилганлиги ҳақида хабар тарқалгандан сўнг шундай қарорга келинди» деди Миср ташқи ишлар вазири Аҳмад Абул Гейт.

Фақат элчихона ходимлари қачон, қанчага қисқартирилиши ҳақида аниқ маълумотлар айтилмаяпти.

Қонун барчага баробар

УЙИНГИЗ ЧАРОҒОН, ЎЧОҒИНГИЗ ЎТЛИ БЎЛСИН

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ВА ГАЗ ТАЪМИНОТИДА РЎЙ БЕРАЁТГАН МУАММОЛАР ХУСУСИДА

Коммунал ва бошқа тўловларнинг ўз вақтида тўланиши мамлакат иқтисодиётини ўстириш, халқ фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бинобарин, энергоресурсларни ишлаб чиқариш ва уларни истеъмолчиларга етказиб бериш билан банд корхона-ташкилотларнинг бир маромда, узлуксиз фаолият юритиши кўп жиҳатдан коммунал тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилишига боғлиқ. Бугунга келиб Сурхондарё вилоятида электр энергияси тўловидан 16 миллиард, газ таъминотидан 2 миллиард сўмлик дебиторлик қарзлари вужудга келган.

Сурхондарё вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси Фахриддин БОЙЗАҚОВ билан суҳбат ушбу ҳолатни келтириб чиқарган суиистеъмолликлар ҳақида бўлди.

— Ҳар бир соҳадаги муаммо ва камчилик қонунга итоат этмасликдан бошланади. Мен вилоятдаги бу ҳолатни ҳам худди шу нарса билан изоҳламоқчиман. Текширишларда вилоят электр тармоқлари ва унинг тизимида тўлов интизоми ҳамда ўзаро ҳисоб-китобларни мустаҳкамлашга қаратилган қонунлар ижросининг таъминланишида қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Натижада вилоятдаги ташкилотлар, корхоналар ва аҳолининг коммунал тўловлардан қарзи йилма йил ўсиб бормоқда. 2004 йилнинг апрель ҳолатига коммунал тўловлардан қарздорлик 23 миллиард 509 миллион сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг 1 апрелига келиб бу қарздорлик ўсиб, 32 миллиард 215 миллион сўмга етди.

Вилоятда жами 9864 та улгуржи истеъмолчи бўлиб, улар билан энергия етказиб бериш ва тўловларни вақтида амалга ошириш борасида шартномалар тузилган. 964 та қарздор истеъмолчи ҳозир электр тармоғидан узиб қўйилиб, тўланиши керак бўлган маблағлар ундирилиши солиқ идоралари зиммасига юкланилди.

Қарздорликнинг ошишига сабаб бўлган омиллардан бири сифатида мен мансабпарастликни, ўз манфаати учун ҳар нарсага тайёр туриш каби очкўз иллатларни тилга олган бўлар эдим. Қарангки, айрим электр идоралари раҳбарлари тугатилаётган хўжаликларнинг қарздорлик суммасини ошириб кўрсатиб, ўз айбларини яширмоқчи бўлишган. Масалан, Шўрчи туманидаги У.Дониёров номли ширкат хўжалиги Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги қарорига асосан тугатилиб, фермер хўжаликлари уюшмасига айлантирилади. Бироқ туман электр тармоқлари корхонаси билан расмийлаштирилган далолатномага асосан хўжаликнинг 2 миллион сўмлик қарзи бирзумда 97 миллион 800 минг сўмга «ўсиб» кетади. Бу билиб-кўриб, аҳолининг кўзига чўп суқиш эмасми?

Бундай қинғир иш Қизириқ туманидаги собиқ «Гиламбоб» ширкат хўжалигида ҳам содир этилган. Ширкат хўжалигининг 2002, 2003, 2004 йилларидаги жами 9 миллион 269 минг 716 сўмлик мавжуд қарзларини икки томон раҳбарлари «келишган» ҳолда хўжалик ўз ташкилий тузилишини ўзгартираётганлигидан фойдаланиб, 65 миллион 576 минг 563 сўмлик электр энергиядан қарздорлик мавжудлиги ҳақида қалбаки солиштирма далолатнома тузишади. Бундай инсофсизлик, фуқаролар мулкини талон-торож қилиш ҳолатини ҳеч оқлаб бўлмайди,

Ушбу ҳолат бўйича мазкур туман прокурорлари томонидан электр тармоқлари масъул мансабдор шахслари Т.Тўраев ва А.Умировларга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан иш қўзғатилди ва тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Афсусланарлиси, бу раҳбарлар ушбу сохта ҳужжатлар асосида янги оёққа турaётган фермер хўжаликлари суньий қарзга ботирилишини ва бу республикамизда олиб борилаётган қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларга жуда катта зарар етказишини тўла англаб етганлар, лекин...

— Сиз юқорида қарздорлик ва сунъий қарздор қилиш каби ҳолатларга тўхталдингиз. Аммо, ҳақини тўлаб қўйиб газ ёқолмаётган, қарз бўлмай туриб кечқурунлари шам ёруғида ўтирганлар ҳам бор-ку?

— Ана шундай корхоналардан бири Денов туманидаги «Сурхонозиқовқат» ҳиссадорлик жамияти. Туман электр тармоқлари корхонаси раҳбарларининг асоссиз чеклашлари натижасида ушбу корхонага 50 миллион сўм миқдорида зарар етказилган.

Электр тармоқлари тизими корхоналари томонидан бюджетдан молиялаштириладиган мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ва шифохоналарга шартномада белгиланган миқдордаги энергияни узлуксиз етказиб берилмай қаллобликка йўл қўйилган ҳолатлар учрамоқда. Ёки ҳуда-беҳудага қишлоқ ва шаҳардаги чироқлар ўчирилаётган ҳолларга ҳам дуч келиш мумкин. Албатта, бу фуқароларнинг норозилигига, турли хил тушунмовчиликларга сабаб бўлади.

Ҳатто тизимдаги айрим хизмат кўрсатишни яхшилаш, фойдаланилаётган техника ва ускуналарни мунтазам равишда янгилаш ўрнига бор мулкни ўмариш пайида юрганлар ҳам бор экан. Масалан, тизимнинг вилоят, туман даражасидаги масъул мансабдорлари ўзаро жиноий тил бириктириб, ўтган йилнинг февраль ойида «Ирена-плюс» ва «Дреам» фирмаларига 185 миллион сўм пул маблағларини ўтказиб, 10 та трансформатор олиб келинганлиги ҳақида сохта далолатномалар тузишади. Пули эса ўзлаштириб юборилади. Шунингдек, Жарқўрғон туман электр тармоқлари корхонаси бошлиғи Боймуродов, Сариосиё туман электр тармоқлари корхонаси собиқ бошлиғи Ҳасанов томонидан ҳам катта миқдордаги маблағлар ўзлаштирилган. Бундай ҳолатлар Шўрчи ва Денов тумани электр тармоқлари корхоналарида ҳам содир этилган.

Энг ачинарлиси, масъул мансабдор шахсларнинг айби билан улгуржи истеъмолчиларга электр энергияси ҳисоб-китоб қилинмасдан қонунга зид равишда бериб юборилаверган. Натижада, жорий йил 1 апрель ҳолатига кўра, вилоятда 15 миллиард 919 миллион 200 минг сўмлик дебиторлик қарзлари вужудга келади. Ушбу қарздорликнинг катта миқдори Денов, Жарқўрғон, Узун, Шўрчи туманлари ва Термиз шаҳрига тўғри келмоқда.

— Сиз электр таъминоти ва тўловидаги муаммолар ҳақида кўпроқ гапирмоқдасиз. Лекин таҳририятга бўлаётган қўнғироқлар ва мурожаатлардан шу нарса маълумки, вилоятда газ таъминоти ҳам кўнгилдагидек эмас.

— Тўғрисини тан олиш керак. Текширишларда электр тармоқларидаги сингари «Сурхондарёгаз» ҳудудий газ таъминоти корхонаси масъул мансабдор шахслари томонидан ҳам қўпол қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги маълум бўлди. Масалан, 2005 йилга қадар вилоятдаги 187 та қишлоқ ва бошқа аҳоли яшаш жойларини табиий газ билан таъминлаш белгиланган эди. Ўтган йил мобайнида бу борадаги режа бор-йўғи 20 фоизга бажарилган, холос. Айни пайтда вилоятда 64 та қишлоқ табиий газ билан мутлақо таъминланмаган.

Бугунги кунда газ бўйича дебитор қарздорлик 1 миллиард 946 миллион 354 минг сўмни ташкил этмоқда. Бундан ташқари, тизимдаги айрим корхона раҳбарлари томонидан худди электр тармоқларидаги каби истеъмолчиларнинг фойдаланилган газ тўловлари бўйича ҳақиқий қарздорлиги ошириб кўрсатилган. Масалан, юқорида қайд этганимиздек, Қизириқ туманидаги «Гиламбоб» ширкат хўжалиги Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги қарорига асосан тугатилиб, фермер хўжаликлари уюшмасига айлантирилади. Ширкат хўжалигининг газдан 56300 сўмлик қарзи бўлганлиги сабабли 2004 йилдаёқ хўжаликка газ бериш тўхтатилиб, бу ҳақда далолатнома тузилган эди. Бироқ шунга қарамасдан туман газ таъминоти филиали раҳбарлари хўжалик томонидан фойдаланилмаган 16 миллион 300 минг сўмлик газни фойдаланилди, деб табиий газдан хўжаликнинг қарздорлиги мавжудлиги ҳақида қалбаки далолатнома тузишади.

«Сурхондарёгаз» ҳудудий газ таъминот корхонасининг кўпгина туман бўлинмаларида газдан фойдаланиш бўйича дебиторлик қарзларини ундириш борасида етарли даражада иш олиб борилмаган. Жумладан, 2005 йилнинг 1 январь ҳолатига нисбатан шу йилнинг 1 апрель ҳолатига Сариосиё туманида дебиторлик қарзлари 22 миллион 160 минг, Термиз туманида 21 миллион 526 минг, Шўрчи туманида 22 миллион 859 минг, Термиз шаҳрида 31 миллион 8 минг сўмга ўсган. Ангор, Бандихон, Жарқўрғон туманларида ҳам дебитор қарзларни ундириш бўйича сезиларли ишлар қилинмаётгани ташвишланарли. Хусусан, Ангор туманида 10 та, Сариосиё туманида 9 та, Қумқўрғон туманида 5 та ҳуқуқбузарлик ҳолати номигагина аниқланган, холос. Лекин газ таъминот корхоналари томонидан қарздорликни ундириш борасида судларга даъвo аризалари киритилмаган.

Суҳбатимиз бошида қонунга итоатсизлик барча муаммоларнинг вужудга келиши ва кўпайишига сабаб бўлишини таъкидлаган эдик. Шундай. Ўз навбатида, қонунни ҳурмат қилганларда ортиқча муаммо пайдо бўлмайди. Қолаверса, ҳар бир раҳбар ўз масъулиятини ҳис қилса, аҳолида тушунмовчилик ҳам, норозилик ҳам бўлмайди.

Маъмуржон ҚИЁМОВ
суҳбатлашди

Ватан ифтихорлари

ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОН БЎЛГАН КУН

(Давоми. Боши 1-бетда)

2004 йил 18 июнь — 13 июль кунлари Ливия пойтахти Триполи шаҳрида ўтган жаҳон чемпионатига ҳам дунёнинг 128 нафар сара шоҳмотчиси тўпланди. Улар жаҳон шоҳмот рейтинггида юқори ўринларда бўлгани ёки ўз минтақаларидаги саралаш мусобақаларида ғолиб чиқишгани учун шундай ҳуқуқни қўлга киритишганди. Ушанда Рустам жаҳон шоҳмот рейтинггида 54-ўриндан жой олганди. Мусобақадан олдин ўтказилган сўров-таҳлил натижаларига кўра, Рустамнинг жаҳон чемпиони бўлиш эҳтимоли 150 дан 1 қилиб баҳоланганди. Бундай тахмин бошқа қатнашчиларда қуйидагича эди: Александр Морозевич ва Веселин Топаловнинг жаҳон чемпиони бўлиш эҳтимоли 7 дан 1, Майкл Адамсники 10 дан 1, Александр Гришчукники 14 дан 1, Василий Иванчукники 16 дан 1, Найжел Шортники 22 дан 1 ва ҳоказо.

Албатта, бу тахминлар шоҳмотчиларнинг ўша кунгача бўлган натижалари асосида хомчўт қилинганди. Лекин мусобақа пайтида шундай муҳим омиллар бўладики, уларни ҳар қандай замонавий компьютер ҳам баҳолашга қодир эмас. Бу — мусобақа пайтида спортчининг метин иродасига суяниши, ҳар қадамда чуқур мулоҳаза юритиши, энг сўнгги имкониятгача курашиши, энг мушкул дамларда ҳам ўз ғалабасига ишониши, ҳар лаҳзада Ватан, халқ шаъни учун мусобақага кирганини қалбан ҳис қилиб туриши! Мана шундай муҳим омилларда жаҳон чемпионати қатнашчилари орасида Рустамнинг олдига тушадигани топилмади.

Ҳақиқатан ҳам Рустам чемпионат давомида ўзбекларга хос теран ақл-заковатини, мушкул вазиятларда ҳам ғалабага бўлган ишончини йўқотмади. Муҳими, у Ўзбекистон шаъни, ўзбек халқи шарафи учун курашаётганини бир лаҳза ҳам унутмади. Рустамнинг мустаҳкам бу эътиқоди Президентимизга йўллаган миннатдорлик мактубида қуйидагича ифодаланди: **«Бугун мен эмас — Ўзбекистон чемпион бўлди, жаҳон шоҳмот тожига мен эмас — бутун ўзбек халқи сазовор бўлди».**

Халқимизда: «Ёв қочса, ботир кўпаяр», деган мақол бор. Кескин ўтган жаҳон чемпионатида Рустамнинг ҳалол ғалабасини тан олгиси келмаган айрим «мутахассис»лар мусобақага фалон-фалон гроссмейстерлар келишмади, дея айюҳаннос солишди. Ҳолбуки, Рустам чемпионат ўйинларида Александр Рамирис (Коста-Рика), Гаэм Магатэ (Эрон), Василий Иванчук (Украина), Золтан Алмаши (Венгрия), Александр Гришчук (Россия), Веселин Топалов (Болгария) ва Майкл Адамс (Буюк Британия) каби таниқли гроссмейстерларни мағлубиятга учратди. Иванчук 2004 йил ташкил этилган Бутунжаҳон шоҳмот олимпиадасида Украина жамоасини чемпионлик сари етаклай олди. Топалов эса шу йил ўтказилган нуфузли Линарес мусобақасининг охирги турида Гарри Каспаровни енгиб, ундан биринчи ўринни тортиб олди. Рустамнинг бошқа рақиблари тўғрисида ҳам шундай илиқ фикрлар билдириш мумкин.

Яна таққослаш учун маълумот: Рустам 26 кун давом этган чемпионатда бири-биридан масъулиятли 28 учрашувда мардона дона сурди. Ўша вақтгача қийин ўтган чемпионлик учрашуви сифатида 1927 йилда бўлган Алёхин — Капабланка баҳси эътироф этиларди. Унда 43 кун давомида 34 та ўйин ўтказилганди. Жуда асабий кечган дея баҳоланган 1984-1985 йиллардаги Карпов — Каспаров баҳсида 167 кунда бор-йўғи 48 та учрашув ўйналган. Шундай экан, атиги 26 кунда 28 та масъулиятли учрашувда ишончли дона сурган Рустам ҳар жиҳатдан жаҳон чемпиони унвонига муносибдир.

Вақт олий ҳакам, деб бежиз айтишмаган. Ўтган бир йил ичида Рустам жаҳон чемпионига муносиб эканлигини амалда исботлади. 2004 йил август ойи охирида Ҳиндистоннинг Пуна шаҳрида бўлган нуфузли мусобақада ғолиблар қаторидан ўрин олди. Бир ой ўтгач, Голландиянинг Хеллевойстлус шаҳрида ўтган мусобақада рақибларини ортда қолдирди. Октябрь ойида Бутунжаҳон шоҳмот олимпиадасида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди, ўтказган 8 ўйинининг 4 тасида ғалаба қозонди, 4 тасида дурангга имзо чекди. Ноябрь ойида эса Испаниянинг Бенидори шаҳрида ўтказилган мусобақада 7 имкониятдан 6,5 очко тўплади, биринчи ўринни эгаллади. Яъни, чемпион бўлгандан кейинги 4 та мусобақада ҳам бирор ўйинда мағлубиятга учрамади!

Кучлиларнинг кучлиси иштирок этадиган Линарес мусобақасида дона суришни орзу қилмайдиган гроссмейстер дунёда топилмаса керак. Шу боис ўзбек фарзанди Рустам Қосимжоновнинг 2005 йилги Линарес мусобақасида қатнашишининг ўзи катта муваффақиятдир. Эътиборли жиҳати, Рустам шундай нуфузли мусобақанинг биринчи даврасида чиройли ўйинлари билан мутахассису мухлислар ҳурматини қозонди. Аммо бетоб бўлиб қолгани учун иккинчи давра ўйинларида ўз имкониятини тўлиқ намойиш эта олмади.

Кўп ўтмай Испаниянинг Леон шаҳрида ўтган тезкор шоҳмот мусобақасида Рустам аввал Алексей Шировни 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди (маълумот учун эслатишимиз керак, 2000 йилда Каспаров жаҳон чемпионлиги учун курашда Широв билан яккама-якка дона суришишдан чўчиганди). Иккинчи босқичда ҳиндистонлик Вишванатан Анандни дастлабки ўйиндаёқ, шундай чиройли мағлубиятга учратдики, бу ўйин матни ва шарҳи оммавий ахборот воситаларида зудлик билан эълон қилинди. Бу учрашувда Рустам Анандга 1,5:2,5 ҳисобида ютқазганига қарамай, ҳамон унинг ўша ғалабаси мутахассислар томонидан юқори баҳоланаяпти.

Рустам ўтган бир йилликдаги охирги учрашувини Нью-Йоркдаги марказий боғда «Accona» компаниясининг 9-авлод компьютерига қарши дона суриш билан якунлади. Бу ўйин кўплаб телеканаллар, интернет тармоғи орқали тўғридан-тўғри намойиш қилинди. Рустам кескин ўтган учрашувнинг 37-юришида отни қурбон қилиш эвазига устунликка эришди. Бу комбинация барча мутахассисларни ҳайратга солди. Гап шундаки, ўз вақтида Каспаров компьютерга пиёдани ҳам қурбон қилиб бўлмайди, деган фикрни билдирган. Ўзбек шоҳмотчиси эса, пиёдани эмас, сипоҳини қурбон қилиб ўз устунлигини таъминлади. Мазкур ўйинда юришлар уч марта такрорлангани учун дуранг натижа қайд этилди. Лекин шу вақтда Лондон шаҳрида Майкл Адамс ҳам компьютерга қарши ўйнаётганди. Бу ўйинда Адамс компьютерга 0,5:5,5 ҳисобида ютқазди. Ўз даврида Каспаров ҳам компьютердан 2,5:3,5 ҳисобида мағлубиятга учраган. Демак, Рустамнинг компьютер билан чиройли дурангга эришгани унинг навбатдаги муваффақиятларидан бири десак, муболаға бўлмайди.

Албатта, Рустам жаҳон чемпиони сифатида Халқаро шоҳмот федерацияси (ФИДЕ) ташкил этаётган бирлаштирувчи мусобақада иштирок этиши керак эди. Рустам бу мусобақада ҳар қандай шартларда қатнашишини билдирди. Афсуски, унинг рақиби Гарри Каспаров ФИДЕга шарт қўйишдан чарчамади, охир-оқибатда бу учрашув ўтказилмайдиган бўлди. Ҳозирги кунда ФИДЕ мутлақ жаҳон чемпионини аниқлаш учун шу йил 27 сентябрь — 16 октябрь кунлари Аргентинанинг Сан-Луис шаҳрида мусобақа ўтказишни режалаштирган. Унда Рустам Қосимжонов ва жаҳон шоҳмот рейтинггида юқори етти ўринни эгаллаб турган гроссмейстерлар қатнашиши белгиланган. Рустам ушбу мусобақага қизғин тайёргарлик кўраяпти.

Президентимиз Ислом Каримов 1996 йил Конституция кунига бағишланган йиғилишда юртимизнинг бугунги авлодига қарата пурмаъно даъват билан мурожаат қилди: **«Халқ орасида ажралиб туришнинг биргина кўринишини оқлаш мумкин. У ҳам бўлса фидойилик, бошқалардан кўра кўпроқ меҳнат қилиш, қаҳрамонликдир».** Бу даъват бугунги авлод иқтидорли вакилларидан бири бўлган Рустам қалбида акс-садо берди. У 1997 йил Юртбошимизга ёзган миннатдорлик мактубида жуда оғир вазифани зиммасига олди: *«Сизнинг спортга, шу жумладан, шоҳмот ва шоҳмотчиларга кўрсатаётган ғамхўрлигингизга жавобан бундан сўнг бутун ғайратимни катталар ўртасида жаҳон чемпиони бўлиш учун қаратмоқчиман. Истардимки, мен туфайли ҳам мустақил Ўзбекистонимиз номи дунё бўйлаб яна бир карра жаранглаcин».*

Ваъдага вафо қилиш марднинг ишидир. Рустам Президентимизга берган ваъдасининг устидан чиқиш учун яна етти йил бошқалардан кўра кўпроқ меҳнат қилди ва 2004 йилда ўтказилган жаҳон чемпионатида чинакам жасорат кўрсатди. Рустам Қосимжоновнинг шоҳмот султони бўлгани шарофати билан мустақил Ўзбекистонимиз номи дунё бўйлаб яна бир карра мағрур жаранглади.

Эртага Ўзбекистон тарихида унутилмас воқеа юз берган кунга бир йил тўлади. Ҳали йиллар, асрлар ўтади. Бироқ келгуси авлодларимиз ҳам 13 июль кунини ўзбек фарзанди шоҳмот бўйича жаҳон чемпиони бўлган қутлуғ кун сифатида тантанали нишонлайверишади!

Асрор МЎМИН

Орамиздаги одамлар

БЕҲАЛОВАТ ИНСОН

Математиклар ҳақида гап кетганда, кўпчиликнинг кўз ўнгида мантиққа, аниқликка меҳр қўйган ҳаловатсиз кишилар намоён бўлади. Чунки бу фанда ёлғон ёки мавҳум тушунчага ўрин йўқ, шу боис уни танлаган киши ўзи изланиш олиб бораётган жумбоқнинг ечимини топгунча кечаю-кундуз оромини унутади. Айниқса, ўз ишига бутун борлиғини бағишлаган инсонлар борки, уларнинг фаолияти нафақат фанда, балки илмий мактаблар тарихида ҳам ўзига хос тарзда акс этган.

Физика-математика фанлари номзоди Раъно Муҳаммадхонова ҳақида худди шундай фикр юритиш мумкин. Опанинг таржимаи ҳолида шу кунга қадар фақат битта иш жойининг номи тилга олинади. У ҳам бўлса Романовский номидаги ЎзРФА математика институтидир. Биз қаҳрамонимизнинг илмий фаолияти ҳақида сўзлашдан аввал шу даргоҳ ҳақида қисқача тўхталсак.

Маълумки, ЎзРФА математика институти бугун дунёда тан олинган илмий мактаблардан. Ўз даврида унда фаолият юритган етук салоҳиятли олимлар ўзбек фанининг беқиёс даражада юксалишига ҳисса қўшганлар. Улар орасида академик В.Романовский, Т.Саримсоқов, С.Сирожиддинов каби олимлар борки, айни пайтда уларнинг номи барча илмий жамиятларда алоҳида эҳтиром билан тилга олинади. Ҳозирга келиб институт мамлакатимиздаги барча математик тадқиқотларни мувофиқлаштирувчи йирик марказга айланган. Ушбу даргоҳда замонавий математиканинг эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, дифференциал тенгламалар ва амалий фаннинг бошқа кўплаб йўналишлари бўйича тадқиқотлар олиб борилади.

Буларнинг орасида энг долзарб соҳа эҳтимоллар назарияси ва математик статистика бўлиб, унда юқоридаги олимларимиз самарали изланишлар олиб боришган. Улар асос солган мактабнинг давомчилари сафида Раъно Муҳаммадхонова ҳам бор. Мана салкам ярим асрдан бери, у мазкур мактабнинг тармоқланувчи жараёнлар назарияси, математик статистиканинг нопараметрик масалалари ва математика тарихи каби соҳаларида изланишлар олиб бормоқда. Шу йўналишлар бўйича 60 га яқин илмий мақола, 1 та қўлланма яратди. Унинг тадқиқотлари мамлакатимиздан ташқари бир неча хорижий нашрларда ҳам эълон қилинган.

Раъно Муҳаммадхонованинг кўп йиллик фаолиятида институтнинг жамоат ишлари алоҳида ўрин эгаллайди. У турли вазифаларда ишлаш билан бирга республика олий ўқув юртларига малакали кадрлар тайёрлашга ҳам салмоқли ҳисса қўшди. Юртимизда ўтказилган халқаро анжуманларнинг ташкилий қўмитаси аъзоси сифатида уларни юқори савияда ўтказишда, ўзбек фани ва маданиятининг обрўсини оширишда фаол қатнашди. Олиманинг илм-фан, маданият соҳасидаги кўплаб ибратли ишлари учун унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилган.

Умрнинг шундай лаҳзалари борки, унда ортга боқиб қилган ишларинг, эл-юрт олдида топган обрў-эътиборинг, кўрсатган эзгуликларингни саҳифасоб қилишга тўғри келади. Ана шунда инсон нечоғли яшаганини англайди ва хайрли амаллар ҳаётининг дастури бўлиши лозимлигини тушуниб етади. Бугун қутлуғ довон қаршисида турган олима аёл ушбу лаҳзада ана шулар ҳақда ўйлар экан, илм истаб чеккан заҳматлари зое кетмаганини, барча интилишлари севимли даргоҳи ва халқи учунлигини чин дилдан ҳис қилади.

Матназар ЭЛМУРОДОВ

«ФАРҲОД ВА ШИРИН» АРАБ ТИЛИДА

Мисрда буюк бобокалонимиз, ғазал мулкининг султони Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони насрий шаклда араб тилида чоп этилди. У Ўзбекистон Республикасининг Миср Араб Республикасидаги дипломатия ваколатхонаси кўмагида Қоҳирада нашр қилинди.

«Ўзбекистон ҳикоялари: «Фарҳод ва Ширин» деб номланган ушбу китоб буюк бобомиз қаламига мансуб достоннинг мазмун-моҳиятига монанд гўзал ва бетакрор суратлар билан безатилган. У Миср Ахборот вазирлигининг 2005 йилга мўлжалланган «Узоқ юртлардан ҳикоялар» дастури доирасида мисрлик таниқли журналист Фатҳий Али ас-Сайиҳ муҳаррирлигида чоп этилди.

Фатҳий ас-Сайиҳ томонидан араб ўқувчиларига тақдим этилган асар муқаддимасида Ислом уламолари юрти бўлмиш Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан ал-Бухорий, ат-Термизий, ал-Мотуридий, Ибн Сино, аз-Замаҳшарий, Улуғбек, Алишер Навоий каби кўплаб буюк мутафаккирлар ўз ҳаёти ва ижоди билан нафақат Ислом маданияти ривожига, балки физика, адабиёт, астрономия, тиббиёт ва кимё сингари кўплаб илмлар тараққиётига улкан ҳисса қўшгани алоҳида таъкидланади.

Шунингдек, асар муқаддимасида Ўзбекистоннинг жўғрофий жойлашуви, иқлим шароити, маъмурий таркиби, тарихи ва ҳозирги куни, республикамизнинг дунё давлатлари билан олиб бораётган ҳар томонлама ва тенг ҳуқуқли алоқалари, Президент Ислом Каримов етакчилигида юритилаётган самарали, мустақил ички ва ташқи сиёсат ҳақидаги маълумотлар ҳам атрофлича ўз ифодасини топган.

«Жаҳон» АА.

Интер-спорт

РАҲМОН ФАҚАТ КЛИЧКО БИЛАН ЖАНГ ҚИЛМОҚЧИ

Америкалик ўта оғир вазнли боксчи Ҳасим Раҳмоннинг вакиллари Бутунжаҳон бокс уюшмасига мактуб йўллаб, украиналик Виталий Кличко ўз унвонини сақлаб қолиши учун фақат Ҳасим Раҳмон — Монте Баррет учрашуви (10 август) ғолиби билан рингга чиқишини талаб қилишди. Мактуб муаллифларининг хавотирланганича бор. Чунки, Кличко 24 сентябрда бўладиган ҳал қилувчи жангга қадар ўзини синаш учун яна кимлар биландир учрашиши мумкинлиги ҳақида гаплар тарқалганди. «Ҳасим Раҳмон номидан шуни талаб қиламизки, Виталий Кличконинг бу борадаги ноўрин уринишларига нуқта қўйиш керак. У фақат Раҳмон — Баррет жанги ғолиби билан жанг қилиши лозим бўлади», дейилади мактубда.

«ЛИВЕРПУЛ»НИ ТАРК ЭТМАЙДИГАН БЎЛДИ

25 ёшли Жеррард ўзи ҳақидаги жамоани тарк этармиш, деган шов-шувларга нуқта қўйди. Қизиғи шундаки, бу футболчининг «Ливерпул»дан кетиш-кетмаслиги ҳақидаги гаплар бир ёқлиқ бўлгунга қадар фурсатдан фойдаланган «Челси» клуби «чаққонлари» Англия терма жамоасининг ярим ҳимоячисига 32 миллион фунт (55 миллион доллар) таклиф қилишган. Бундан ғазабга келган ўнлаб мухлислар Жеррарднинг ёнини олиб, футболкаларини ёқиб юборишган. Жамоа мураббийи Бенитес эса Жеррард билан муомалалари яхши эканлигини эътироф этиб, унинг бошқа жамоага ўтиши ҳақидаги гаплар асоссизлигини тан олди.

ЗАХИРАДА ЎТИРИШ ЁҚМАСА...

Ўтган мавсумда Англия терма жамоасининг 25 ёшли ҳужумчиси Майкл Оуэнга заҳира курсисида узоқ ўтириш ёқмаётгани, агар бу давом этса, бошқа жамоага ўтиб кетиши мумкинлиги ҳақида гап-сўзлар бўлганди. «Реал» мураббийи Вандерлей Лушембург: «Бу масалага фақат майдонда ўйновчиларгина жамоада муқим сақланади маъносида қараб бўлмайди», деган гапни айтди. У ўз фикрини давом эттириб, «Реал»да кимки қолмоқчи бўлса, у майдондами ё заҳирадами сақланишдан қатъи назар мураббий талабини бажаришга мажбур, деди. Шундай қилиб, моҳир ҳужумчи Майкл Оуэн Англия терма жамоасидаги шарт-шароитларга кўникиб, «Реал»нинг обрўсини сақлашга мажбур бўлиб турибди.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги
Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси,

ЮНУС РАЖАБИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ

2005-2006 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўқувчилар қабул қилади:

9 йиллик маълумот билан — ўқиш муддати — 3 йил
Таълим ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

1. Мусиқа тўғараги раҳбари, мактабгача таълим муассасаларида мусиқа раҳбари;
2. Бошланғич синфларда жисмоний тарбия раҳбари; 3. Мактабгача таълим муассасаларида тарбиячи, хорижий тилларни ўргатувчи тарбиячи, оилада мактабгача таълим ўқитувчиси; 4. Куни узайтирилган синфларда тарбиячи, бошланғич синфларда меҳнат ўқитувчиси.

11 йиллик маълумот билан
(контракт асосида) — ўқиш муддати — 1 йил 10 ой.

Таълим ўзбек ва рус тилларида олиб борилади
1. Мусиқа тўғараги раҳбари, мактабгача таълим муассасаларида мусиқа раҳбари;
2. Бошланғич синфларда жисмоний тарбия раҳбари; ўқитувчи тренер;
3. Мактабгача таълим муассасаларида тарбиячи;
4. Бошланғич синф ўқитувчиси.

Ҳужжатлар 31 июлгача қабул қилинади.

Тақдим этиладиган ҳужжатлар:

- ✓ Коллеж раҳбари номига ариза;
- ✓ Маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси);
- ✓ 0/86 У шаклидаги тиббий маълумотнома (2 нусха);
- ✓ 3x4 хажмида 6 дона фотосурат;
- ✓ Доимий яшаш жойидан маълумотнома;
- ✓ Паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;
- ✓ Ташхис маркази тавсияномаси;
- ✓ Конверт, дафтар (2 дона).

Шахсни тасдиқловчи ҳужжат (туғилганлик тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт) шахсан кўрсатилади.

Манзил: Чилонзор тумани, 17-мавзе, 38А уй.
Мўлжал: «Чилонзор» метроси, «Мевазор» маҳалласи.
Телефон: 116-31-73, 116-32-77.



«ЗАРБДОР ЭЛЕВАТОР»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2005 йил 19 июль соат 10.00 да жамиятнинг маъмурий биносида (Зарбдор қўрғони) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлиб ўтади.

Кун тартибидаги масала:

1. Кузатув Кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

Ўзбекистон ХДП Шайхонтоҳур ТК «Ибн Сино» номидаги маданият ва спорт маркази раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, халқ таълими аълочиси, туман партия кенгаши аъзоси Азимжон Азизовга укаси **Аҳмаджон АЗИЗОВ**нинг фожиали вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоевга ўғли **Бахтиёр ТЎХТАБОЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси, шоира **Мукаррама МУРОДОВА**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Guliston da — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 655
t — Тижорат материали
O`zA yakuni — 22.00
Topshirish vaqti — 1 2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda